



Хақсавар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKEHT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1997 йил

10 сентябрь, чоршанба

№ 72 (10.950)

Эркин нархда сотилади.



ТENNIS BAI'RAMI BO'SHLANI

МАНА, тўрт йилдирки, анъанавий бўлиб қолган Ўзбекистон Президенти Кубоги учун халқаро теннис турнири катта шодиёна ва байрам сифатида ўтмоқда. Унинг нуфузи тобора ортиб бораётганинги кувонарлидир. Қисқа фурсатда бу мусобақанинг членжер доирасидан жаҳон миқёсидаги энг йирик «ATP-TOUR» турнири мақомига кўтарилиши юртимизда ушбу спорт нақадар тез оммалашаётганингидалолатдир.

Шу кунларда теннис олами дунёда энг нуфузли хисобланган ва шу вақтгача атиги 34 мамлакатда ана шундай юқори мавқеда ўтказилган мусобақани катта эътибор билан кузатмоқда. «ATP-TOUR» ижрочи директори Марк Майлс Тошкент

турнири қатнашчилари ва ташкилотчиларига йўллаган табрик мактубида Ўзбекистон Президенти Кубоги мусобақаларини Тинч уммон ва Осиё минтақаси мамлакатларининг 100 миллионга яқин томошабинлари кўражагини хабар қилди. Ўтган турнир-

ларда жаҳон профессионал теннисчилар таснифи рўйҳатида кучли юзликдан кейинги ўринларда турдиған спортчилар иштирок этган бўлса, бу сафарги турнирда эса россиялик Евгений Кафельников (№ 3), германиялик Тим Хинман (№ 21), швейцариялик Марк Россет (№ 27), чехиялик Борис Юлеҳраж (№ 36), испаниялик Жавиер Синчез (№ 38) ва бошқа ўндан зиёд кучли юзликка кирган жаҳон теннис «юлдузлари»нинг қатнашиши мухлисларда катта

зиқиш уйғотмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис мажмууда анъанавий тўртингчи теннис турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов турнир қатнашчиларини кутлаб, нутқ сўзлади ва уларга улкан ютуқлар тилади.

(Президент Кубоги мусобақалари ҳақидаги мақола билан саккизинчи саҳифада танишасиз).

ВИЛОЯТ ХАЁТИ

САККИЗ МИНГ КИШИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

ҚИБРАЙ тумани Тузель қишлоғи марказида Жамбулномли янги шифокорлик маскани ишга тушиб. Замонавий усукуналар билан жиҳозланган бу масканда турли хил бўлимлар мавжуд бўлиб, у саккиз минг аҳолига хизмат кўрсатади.

Янги масканинг муддатидан илгари курилиб, фойдаланишга топширилишида Файзуло Ҳабибуллаев бошлиқ 6-механизацияланган кўчма колонна курувчилари фидокорлик билан меҳнат қилдилар.

Абдуҳамид ФОЗИЛОВ.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИНШООТИ ҚУРИЛЯПТИ

ОЧИҚ турдаги «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчила-ри ишлаб чиқариш ҳажмини ой сайин ошириб бормоқдалар. Натижада олиянаётган даромад ва фойда кўпаймоқда. Бу жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига анчагина маблаг ажратиши имконини беряпти.


Буни шифер ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатадиган муассасаларни барпо этишда ҳам яққол кўриш мумкин. 6 гектар хушманзара майдонни эгаллаган дам олиш минтақасида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча куляй шароитлар яратиб берилган. Бу ерда яна бир соғломлаштириш иншооти куришилди. Узунлиги 70, эни 40 метрли бу сузиш ҳавзаси келгуси йилда фойдаланишга топширилади.

М. МАҲМУДОВ.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

ХАЛҚ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Шаҳар ҳокими Тошпӯлат Анорбоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Тошкент вилояти ҳокими мувонини лавозимида ишлаб келган Ҳамидулло Асатов Ангрен шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев қатнашди ва сўзга чиқди.



«Пахта — 97»

— Бу йил, — дейди туман ҳокими Эшмуҳаммад Бердиев, — давлатга 18 минг 100 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилганимиз.

Дала меҳнаткашларининг фидойилиги, маҳоратларига тан бермай иложимиз ўй. Улар катта қийинчиликларни ёнгил, режани ошириб бажариш имкониятини берадиган ҳосил этиштирилар.

Ҳамма жамоаларда республика Вазирлар Маҳкамасининг бу йилги мавсумни ўюшқолик билан ўтказиш, йигимтеримни қисқа муддатларда тугаллашга қаратилган қарори асосида тайёргарлик, ташкилотчилик ишлари кучайтириб юборилди.

Бу йил туман механизатор-

ЧИНОЗ «ОҚ ОЛТИН» КАРВОНИ

НИХОЯТ, паҳтакорлар орзикib кутган кунлар келди. Дехқоннинг ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига этиштирган «оқ олтин» тарозига туша бошлади. Айниқса, бугун чинозликларнинг кайфияти ўзгача, кувончларининг чеки ўйқ. Дастлабки тонналар ортилган паҳта карвони қабул пункти томон йўл олди. «Биринчи чаноқ» байрами катта тантанага айланиб кетди.

Ларни ҳосилнинг кам дегандага 70 фоизини териб берамиш, дебният қилдилар. Кўл теримини кучайтириш, самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам тадбирлар кўриб кўйилди.

Тантанада сўзга чиқсан «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги раиси Э. Жонтелев ўз режалари, тажрибалари билан ўртоқлаши.

— Сиз бир ёндан, биз бир ёндан, деганларидек, дехқонларга ҳар йилгидагидек, бу йил ҳам баҳоли-кудрат қарашиб юборамиш, мададкор бўламиш, — деди фаҳрийлар уюшмаси сардори И. Тешабоев.

Асосий мақсад этиштирилган

хосилни қандай бўлмасин, тез, нобуд қилмасдан йигиб-териб олиш. Шундай бўлгач, биз ҳалқ маорифи тизими ходимлари ҳам қараб турмаймиз. Зарур бўлганда далаға чиқиб, дехқонлар билан ёнма-ён туриб, меҳнат қилалими. Туман ҳалқ маорифи бўлами раҳбари Т. Эргашевни фирия ана шундай бўлди.

Шу куни чинозликлар паҳта тозалаш заводига 160 тонна ҳосил топширилди.

... Долзар дамлар бошланди. Кенг паҳтазорларда ҳосил ийғим-теримига киришилди.

Т. ЭРХУЖАЕВ.

Теннис:

«Юлдуз»лар Юнусободда тўпландилар

Футбол: Бундай ҳисоб ҳаёлингизга келганмиди?



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН:

- «Центразбат — 97»
- Орол денгизи эҳтиёжларига 75 млн. доллар қарз
- Қадимий Ипак йўли тикланмоқда

7-БЕТ

8-БЕТ

Олий Қадрият

«Молекулар ғизијати» мактабаси тарбияни мөнбат бўйича изо. «Олий Қадрият»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада таомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганингига бир йил тўлди.

3-4-5-6-БЕТЛАР

БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бекободда, «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металлар парчаларини тайёрлаш ва қайта ишлаш учун топшириш масалаларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси нинг мажлиси бўлди. Мажлисни шу комиссиянинг раиси, республика Бош вазирининг биринчи ўринbosари И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Қорақалпогистон Вазирлар Кенгаси Раисининг, Тошкент шахри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринbosарлари, вазирлар, идоралар, иккиламчи металл хомашё тайёрлаш билан шугулланувчи бошқа

ташкilotлар раҳбарлари иштирок этди.

Комиссия йил бошидан бўён қилинган ишларнинг якунларини кўриб чиқди. Шу даврда белгиланган микдорда қора металл парчалари тайёрланди, рангли металлар парчаларини тайёрлашда бироз қолоқликка йўл қўйилди.

Республика бўйича металл парчалари тайёрлаш ва топширишни рағбатлантириш тартиби амал қилмоқда, бу тартибга кўра, иккиламчи хомашё ўз вақтида топширилиши, сифати ва миқдори ҳам хисобга олинади.

Таҳлилнинг кўрсатишича, иккиламчи металл хомашё йилнинг ҳар чораги давомида бир маромда топширилмаяти, оқибатда «иккиламчи қора металл» тайёрлаш

лиш» ҳамда бошқа ташкilotлар бу ишда қолоқликка йўл қўйди. Ҳолбуки, металл парчаларини топширувчи барча ташкilotлар каби булар ҳам металл парчаларини тайёрлаш ва шу хисобдан ишлаб чиқариш учун зарур буюмларни олишдан бевосита манфаатдордир. Бундан ташқари металл парчалари тайёрлаш ва топширишни рағбатлантириш тартиби амал қилмоқда, бу тартибга кўра, иккиламчи хомашё ўз вақтида топширилиши, сифати ва миқдори ҳам хисобга олинади.

пунктларида иш ҳажми ўзгариб, хомашёни хисобга олиш қийинлашмоқда. Рангли металлар парчаларини тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш чоғида бузилишларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқлари учун тайёр металл буюмларнинг кўпчилик турлари билан ўзини мустақил таъминлашга қодир эканлиги мажлисда айтиб ўтилди. Бу эса бундай маҳсулотларни республикадан ташқаридан сотиб олиш учун илгари сарфланган катта маблагни тежаш имконини бермоқда.

«Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси металл прокатнинг янги турларини ишлаб чиқаришни мунтазам ўзлаштиримоқда, масалан, кон-руда саноати учун туридиаметрдаги тош майдалайдиган шарлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди,

тез ривожланаётган курилиш мажмуми учун ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг турлари

купаймоқда. Ҳозир корхонада ишлаб чиқариш кенг кўламда қайта курилмоқда, натижада тез орада комбининг барча имкониятларини рўёбга чиқариш, маҳсулот сифатини яхшилаш мумкин бўлади. Лекин бунинг учун хомашё заҳираларини тўлдириш талаб қилинади.

Комиссия мавжуд камчиликларни бартараф этиш, тайёрлаш ва транспорт ташкilotлари металл парчаларини бир маромда етказиб бериши учун зарур шартшароитни таъминлаш, иккиламчи хомашёни топшириш мажбуриятлари сўзсиз баъжарилши учун чора-тадбирлар кўриш юзасидан аниқ топширилар берди. Бу иш учун масъулият ҳокимлар, вазирлар ва идораларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юлатилди.

Комиссия мажлисида Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев иштирок этди. (ЎЗА).

КЎРГАЗМАДА ҚУДРАТЛИ «КЕЙС»ЛАР

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» республика савдо-саноат кўргазмасининг 4-павильонига «КЕЙС» мультимиллий корпорациясининг Ўзбекистон Ваърида Осиёдаги биринчи кўргазмаси иш бошлади

КЎРГАЗМА 8 сентябрь куни тантанали равишда очилиди. Минглаб томошабинлар қудратли «Кейс»ларни за-вқ билан томоша қилдилар. Корпорация томонидан ишлаб чиқарилаётган кўплаб қишлоқ хўжалик ва қурилиш техникаларининг салобати одамларни ўзига жалб этмай иложи йўқ эди.

Зоро, бир неча йилдан бери Американинг «Кейс» корпорацияси маҳсулотлари республикамиз ва вилоятимиз далаларида зўр унум билан ишлётгани ҳаммага маълум. Улкан фаллазорларда ишлаган бу сармали техника ўзининг ҳар томонлама қулай ва замонавий эканлигини исботлади. Ҳадемай, вилоятимиз пахта дадаларида «Кейс»ларнинг пахта териш комбайнлари иш бошлайди.

Кўргазма очилгандан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Учрашувда сўзга чиқкан «Кейс» корпорациясининг Оврупо, Африка ва Яқин Шарқдаги ишлар бошқарувчиси ва президенти Леопольд Платтер корпорация ҳақида сўзлаб берди.

— «Кейс» компанияси 150 йил муқаддам ташкил топган. Бугунги кунда ўз маҳсулотларини жаҳоннинг турли мамлакатларига сотмоқда. Эндилиқда Ўзбекистонда ҳам ўз корхонамиз бор, — деди жумладан жаноб Платтер. — Ўзбекистон ҳам Шимолий Америкадаги каби қишлоқ хўжа-

малкатидир. Биз бу ерда иш бошлар эканмиз, республикага кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берамиз. Корпорация ишлаб чиқардиган маҳсулотларининг ярмини қишлоқ хўжалик техникаси, 30 фоизини эса қурилиш техникаси ва қолган қисмини эҳтиёт қисмлар ташкил этади.

байнода «Кейс»нинг юздан зиёд мутахассислари қишлоқ хўжалик ускуналаридан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича техник ёрдам кўрсатадилар. Шулардан 40 таси ўз-



лигига ихтисослашган мамлакатидир. Биз бу ерда иш бошлар эканмиз, республикага кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берамиз. Корпорация ишлаб чиқардиган маҳсулотларининг ярмини қишлоқ хўжалик техникаси, 30 фоизини эса қурилиш техникаси ва қолган қисмини эҳтиёт қисмлар ташкил этади.

бек механизаторларидир. Улар «Кейс» ва «Агротех», ускуналар етказиб бериш бўйича «Кейс»нинг савдо вакиллиги томонидан танлаб олинган ва ушбу маҳсад учун ўқитилган. Ўтган йилнинг ноябрь ойида ташкил этилган «ЎзКейсМаш» қўшина корхонаси ишлаб чиқариш кувватларини ошира бориб, маҳсулот бера бошлади. Бу корхона Тошкентда жойлашган бў-

либ, 1997 йилнинг охирига ч 50 та пахта териш комбайнини тайёрлаб беради. Улар, аввало, Ўзбекистонга, колаверса қўшини мамлакатларга сотилади.

«Кейс» корпорацияси нинг 1996 йилги йиллик савдо ҳажми 5,4 миллирад долларни ташкил этди. Корпорацияда таҳминан 4900 та мустақил диллерлар ва дистрибуьютерлар хизмат қилишади. Шу йилнинг иккинчи чорагида «Кейс» корпорациясининг соф фойдаси 25 фоизга ўсиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп 138 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Ҳар бир акциядан олинадиган соф даромад 1,82 АҚШ долларига тенг бўлмоқда.

Учрашувда журналистлар ўзларини қизиқтирган қатор саволлар билан корпорация вакилларига муражаат қилишди.

Мустақил юртимизга жаҳонда тан олинган, ҳар томонлама қулай ва фойдали бўлган техникалар жуда жуда зарур. Яхши техника мўл ҳосил гарови. Шундан бўлса керак, кўргазмани томоша қилаётган юзлаб қишлоқ хўжалик ходимлари қудратли машиналардан кўз узмай, мутахассисларни саволларга тутдилар. Тўғрида, ҳадемай ўзлари мана шу техника билан тиллашадилар.

Кўргазма 10 сентябрьга чавом этади.

Миржалол МИРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
маҳсус мухбири.

СУРАТДА: Кўргазмага кўйилган «Кейс» маҳсулотлари.
Р.НУРИТДИНОВ (ЎЗА)
олган сурат.

*Ватан, кучогида балқди тафаккур,
Элни, дилни поклагай шу муқаддас нур.*

ОЛДЫ ҚАДРЫЯТ

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими ва «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус сони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлиги ни ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганинига бир йил тўлди.



МАЪНАВИЯТИ

БОЙ

ХАЛК МИЗ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганига бир йил тўлди. Ўтган вақт ичда республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам бу борада анчагина самарали ишлар амалга оширилди. Мазкур марказининг вилоят ва туман бўлимлари жойларда Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари моҳиятини, истиколимиз берган самараларни мунтазам тарғиб этмоқдалар. Ижтимоий-иктиносидан ислоҳотларнинг изчил рўёбга чиқишига қўмаклашмоқдалар. Сұхбатлар чоғида ажодларимиз маданий-маънавий меросини авайлаб-асрашга, қадриятларимизни ардоқлаш, бугунги кунда эришилган бекнёс ютукларга хурмат муносабатида бўлиш, кишиларда она-Ватанга садоқат тўйгусини шакллантиришга жиддий эътибор берилмоқда.

ХИЗМАТ тақозоси билан тез-тез вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва кўргонларида бўлиб, турли тадбирлар ташкил этишга тўғри келади. Улуг айём арафасида биз ўтказган сұхбатлар, маърузалар, анжуманларнинг мазмуни ва мөхияти бир мавзуга қаратилди. Бу истиқол мавзум, мустақиллик неъматлари эди.

Шундай бўлиши табиийdir. Жойларда республикамиз мустақиллик инниг олти йиллиги кўта-

ринки кайфият билан, меҳнат ютуклари билан кутиб олинди. Ўтган олий мобайнида кўлга киритилган натижалар сарҳисоб қилинди. Йил сайнин мустақилларигиз мустаҳкамланиб, унинг неъматлари якъол кўзга ташланиб турипти. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Шу ўринда бир савол туғилди: одамлар ички дунёсида, қалбидаги кечётган ўзгаришлар қандай? Дарвоҷе, уни қайси ўлчовда ўлчаш, кайси йўл билан киёслаш мумкин? Республикасим Президенти Ис-

лом Каримов ўтган йили 4 сентябр куни республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази раҳбарияти, бошқаруви аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда бу саволга аник жавоб бердилар. Бу мезон инсон кайфиятининг соғлиғи, ўзини чуқур англаш, мустақиллик қадрини тобора теран тушуниши, миллий тафаккурнинг қенгайиши каби жўн, айни вақтда, ўта мураккаб омиллар билан белгиланади.

Жамиядта юксак маънавий қадриятларни камол топтиришдек муддадас ишга камарбаста бўлишини ташкил этилган республика «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази» ва унинг Тошкент вилояти бўлими айнан мана шу мезон талаблари асосида иш юртмоқда. Жойларда одамлар билан фикр алмашиб жараёнида миллий мағуруранин шаклланниб, такомиллашиб бораётганлигига тўла шишонч ҳосил қилмоқдамиз. Мазкур мулокотлардан келиб чиқиб, бўлажак учрашув ва сұхбатлар мавзуини аниқламоқдамиз.

Биз кейинги пайтларда ёшлар онгига миллий гурур тўйгусини янада такомиллаштириш билан изчил шугулланяпмиз. Ўюқда Ватан деган тўйгу, ёзлик деган ҳикмат бўлади. Бу тўйгунинг, бу ҳикматнинг сарчашмаси она-заминга бўлган

муҳаббатдадир. Бу тўйғу, бу ҳикмат инсоннинг киндиқ кони тўкилган тупроқдан бошланади. Шундай экан, ҳар биримиз, энг аввало, ўзимиз туғилиб ўстган маҳалладан, қишлоқдан фархлана билишимиз керак. Үндаги энг яхши анъаналарни, қадриятларни кўз-кўз килиб, қадриятмизда ифтиҳор тўйгусини туйишимиз лозим. Зоро, Ватан биз туғилган маҳалладан, қишлоқдан бошланади.

Ватанга муҳаббат, ўзликка хурмат келажаги буюн мамлакатимизнинг миллий рамзларига садоқатдан камол топади.

Бу — Ўзбекистон Давлат байroғи.

Бу — Ўзбекистон Давлат мадхияси.

Бу — Ўзбекистон Давлат герби.

Бу — Ўзбекистон Конституцияси.

Уларнинг ҳар бирига жо этилган муқаддас туйгулар қалбимиздаги миллий гурур билан ҳамоҳанг бўлиб кетмоғи лозим. Шундагина бизга ўзлигимизга қайтганлигимиз, маънавиятимиз булоқлари қайтдан кўз очганлиги яққол намоён бўлади.

Эндилиқда дадиллик билан айтиш мумкин, ёшларимиз қалбига ватанягарварлик туйгулари тобора чукурроқ сингиб боряпти. Буни биз якинда Янгийул туманинди «Тинчлик» жамоа хўжалигига ташкил этилган «Қадри баланц, қадди баланц, Ватаним» деб номланган адабий-бадиий анжуман жараёнида ҳам, Оҳангарон ва Ангрен шаҳарлари ёшлари билан ўтказилган учрашув давомида ҳам яққол хис этдик. Энг муҳими мана шундай учрашув ва мулокотлардан сўнг одам

(Давоми 4-бетда).

МАРКАЗДА КАТТА МАЪРАКА

РЕСПУБЛИКА «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази биносида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганига бир йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган иммий-амалий конференцияда шу соҳанинг барча виляятлардаги ташкилтари раҳбарлари, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этилар.

Анжуманда мазкур марказ раҳбари Н. Аминов бир йил ичда амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди.

Шунингдек, конференция катнашчилари қатор олимларнинг Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг маънавиятни бойиндида аҳамияти, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, миллий-маънавият назарияси, қадимий ёзма маънавий қадриятларимиз, мактабда маънавият сабоқлари ва бошқа қатор мавзулардаги маърузаларини тингладилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўткір Рахматов нутқ сўзлади.

ҲАҚИҚАТИ

**• ЖАМИЯТДА ЮКСАК МАЬНАВИЙ ФАЗИЛАТАЛАРНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ,
МИЛЛИЙ МАФКУРАНИ ШАКЛАНТИРИШ, ЁШЛАРНИ ИСТИҚЛОЛ ФОЯЛАРИГА
САДОҚАТ РУХИДА ТАРБИЯЛАШ МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН
БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

МАЬНАВИЯТИ

БОЙ

ҲАҚИҚИЗ

(Давоми.

Боши 3-бетда).
руҳан енгил торади, мамлакатимиз келажагининг буюклигига яна бир карра иймон келтиради.

Мустақиликнинг олти

йиллиги арафасида бу каби анжумлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида тез-тез ташкил этилди. Бугун биз маънавий-маърифий ишлар марказини айнан кишилек жойларга кўчирмоқдамиз. Шу мусобабат билан шаҳар ва туманлардаги бўлимларимизнинг фаолиятини

яхшилашга алоҳида эътибор беряпмиз. Улар ҳалқ орасига дадил кириб боришапти. Ангрен, Чирчик, Оҳангарион шаҳарларида, Юкоричирчик, Ўртачирчик, Паркент туманларида амалга оширилган ишлар, айника, диккатга сазовордир.

Албатта, килинган ишларни, таъбири жоиз бўлса, хамир учидан патир, дейиш мумкин. Миллий мафкурун шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тархи қадриятларга, Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида ҳам олдимиздан кенг қўллами ишлар турипти. Шундай экан, биз жуда кўп

ташкилотлар, жамғармалар билан кўлни-кўлга бериб, биргалиқда фаолият кўрсатишмиз лозим.

Куч бирлиқдадир. Маънавий, маърифий ва тарбиявий ишлар ўзара ҳамкорликда ва самарали олиб борилгандагина биз пировард максадга эриша оламиз. Шунда вилоятимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ўрнини мамлакатимизда олиб бораётган ислоҳотларнинг олдинги сафларидан топади.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
республика «Маънавият ва
маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент вилояти бўлими
раҳбари.

ОЛИМЛАР СУҲБАТИ

ЮКОРИЧИРЧИК туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигида вилоят ва туман «Маънавият ва маърифат» марказларининг биргалиқда ташкил этган «Давлат, оила, жамият ва ёшлар тарбияси» мавзусидаги давра сұхбати бўлиб ўтди.

Унда Тошкент Давлат юридик институти доценти, тарих фанлари номзоди М. Мирзаев, Тошкент Медицина-педиатрия институти доценти Т. Норбоев ва бошқалар Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафисиликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг аҳамияти, Афғонистон, Тоҷикистондаги қонли урушлар оқибатлари, ёшлар тарбияси, ичкилиқбозлиқ, жиноятиликларнинг олдини олиш, исломий қадриятларимизнинг аҳамияти, ҳуқуқий маданият, оиласа қизларни турмушга тайёрлаш мавзуларида фикр юритдилар.

Мирза МУРОДОВ.



ШАҲРИБОНУ Мамадалиева Оққўргон тумани «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг раҳбари ҳисобланади. У туманда ташкил этиладиган тадбирларга санъаткорларни бот-бот таклиф этади. Зоро, санъат маънавиятимизнинг бир бўлгаги сифатида турмушимизни гўзаллаштиради.

СУРАТДА: Ш. Мамадалиева (ўнгдан биринчи) Ўзбекистон ҳалқ ҳофзи Фаттоҳон Мамадалиев ҳамда марказ ҳодимлари Санобар Ҳайдарова ва Сайёра Рискуловалар ўзаро мuloқотда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ДЕНГИЗГА ТЕНГ

Итоат эти!**Агар сендан****Ватан рози эмас бўлса.****Ёрил, чақмокка айлан сен,****Ёрил, майли, тамом ўлсан.** (1933 йил)

БИЗ келтирган сатрлар 1937 йилги қатлиомда сталинчи қотиллар томонидан узоқ шимолда — Магадандаги сиёсий маҳбуслар хибсоналарида қати этилган ўзбек шоири — Усмон Носирининг фожиали ҳалокати арафаларида ёзган ҳаётбахш шеърларидан бирига мансубдир...

30-йиллардаги ўзбек шоирлари орасида энг кам яшаган, энг ёш ва ўта қобилиятли Усмон Носирининг бутун қалби — ҳаётга умид, келажакка ишонч, ватан ва ҳалқ манфаатлари учун ҳалол хизмат қилиш туйғуси билан хўш урган. Унинг буоқ мақсадлари,ғояси билан қайнаб тошган шеърий ирмоклари маънавий олами, фалсафий хуласалари, эстетик завқи, маърифий юксаклиги га кўра денигизга тенг келарди...

Иборамизда бир қадар муболага қабилидаги оҳанг бордай туйилиши мумкин. Аммо ҳали чинакам бадий шеърият ёки насрой асарлар даражасига етмаган айрим адабий маҳсулотлар ҳақида аллақандай «мактаб яратди, сингари фикрларни ўйламай-нетмай ишлатишлар кулоққа чалингандга — Усмон Носирлар, А. Қодирйлар, Чўлпонлар, Фитратлар, Элбеклар асарларида га маҳорат ёдга келади, ҳаёлан қиёсласиз, улардаги ҳаётнинг фалсафий таҳлили, ифодаси, шеърий ёки насрой тасвирлардаги бадиият-гўззалик нима учун кариб бир асрлардан кейин ҳам

қалбимизни ларзага солиб келайтгани, замонлар ўтиши билан янгидан янги маънолар, аҳамиятлар касб этаётгани ҳар бир онгли китобхонни ўйлатмай кўймайди.

Усмон Носир 1935-йиллардаги кайфияти, қалбани ўртаб турган яшаш иштиёқи, ватанига, ҳалқига чексиз садоқати-ю, муҳаббати билан бирга вужудида жўш ураётган зиддиятларни шундай сатрлarda моҳирина ифодалайди:

**Дўстларим, ҳабар олинг.
Кўнглим куяди:
Бир тараф — ёшлигимни-**

**шўхлиги мағрур,
Бир тараф —**

**тажрибамнинг
дарслари турур,**

**Икки ёк сўғишишади,
уриш қилади.**

**Кўнглим ёнади. Қийин.
Қоним қўзғалур...**

**Узим ўзимга тинчлик
берай**

**деб агар, —
«Бу қуаш, оғир қуаш,
биттаси енгар...»**

Десам қўйсам...

Охирда менга не қолур?

Маънавият сарчашмалари

Модомики, биз Усмон Носир ва унинг замондошлари, ҳамфирлари, устозлари-ю, сафдошлари маънавий мероси ҳақида истиқлолимизга олий йил тўлган кезларда мулоҳаза юритар эканмиз, бу муқаддас ҳазинанинг бугунги ўрни нимадан иборатлигини, келажакдаги аҳамияти-ю, уларнинг ҳам ўзимиз учун, ҳам бутун инсоният учун қандай маънавий ва маърифий аҳамияти борлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиздир.

Гап шундаки, юқорида келтирган шеърий сатрлардан тортиб, насрой фикрларнинг ҳаммасида — аввало ўзбек ҳалқининг қулликдан, қарамлиқдан қутилиши учун курашга даъват оҳанглари янграб туради.

Зоро, куллик ва қарамлиқдан озод бўлиш ҳеч қайси тарихда ҳеч қачон бирон миллат ёки эллатнинг орзузи бўлиб қолган эмас, бу бутун инсоният тарихида барча онгли инсонларнинг азалий ва абадий орзузи бўлиб қолган.

Агар шу мулоҳазалар нуктаи назаридан Усмон Носир ижодига ёнлашсак, ажойиб шеърий манзараларга, маънавий жўш-қинлика, маърифий худудларга дуч келамиз, яни фикр эркинлиги, ватанига ҳалқига бефарз хизмат этиш, унинг маданий, маънавий тараққиёти учун айни энг қалтис, худди ана шу мустакил ривожланишининг олдини олишга бутун босқинчилик сиёсати билан куаш олиб борган шўролар ва уларнинг етакчилари бўлмиш қотиллар — мустамлакачиликнинг авжига чиқаётган кезларда яшаб ижод

қилган буоқ ажоддларимиз қаторидан Усмон Носир ҳам ўз мўътабар ўрнини энди олиб турибди. Аслида-ку, унинг ижоди ҳалқимиз қалбida 30-йиллардан бўён хурмат-иззат билан яшаб келди, бундан кейин ҳам яшайди. Унинг ижоди фақат расмий равища истиқлолимиз туфайлигина ўз ўрнини топди. Номига кўчалар кўйилди. Эндиликда Усмон Носир деган мон мағрур жаранглаб турибди.

Россияда ва бошқа баъзи худудларда сталинчи қотиллар даврини тиклашга уриниб, турли баҳоналар билан Марказий Осиё ҳалқларини бир-бирига гиж-гижлатишдан ҳамон уялмётганлар, яна иғово ва фитна йўлини тутаётганлар бор. Айни кунларда Усмон Носир ва унинг буоқ сафдошлари маънавий меросининг тарбиявий аҳамияти ҳақида кўпроқ гапириши, тез-тез эслаб туриш жуда катта таълими аҳамият касб этиди. Мана бу сатрларга эътибор беринг:

**Ёшлигимнинг
саргузашти**

**бениҳоят,
Бисоти ҳам**

**тасодифга тўлиб
битган...**

Кейин билсам, тасодиф-

лар

зарур экан,

**Ходисани етакларкан
сабабият.** (1934 й.)

Мазкур фалсафий шеърнинг моҳияти — ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодиса, ҳеч қачон сабабсиз рўй бермайди. Фақат сиртдан «тасодифдай» туолади-ю, негизида чукур

• ИСТИКЛОЛ ОДАМЛАРНИНГ ЎЗЛИКЛАРИНИ ЧУҚУР АНГЛАШГА, ЯНГИ ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ҚАДРИНИ ТОБОРА ТЕРАН ТУШУНИШГА, ҲУРЛИК РУХИННИНГ БЮОКЛИГИНИ АНГЛАБ ЕТИШГА Даъват этиши билан маънавият олами-мизни янада бойитди.

ЁДГОРЛИКЛАР ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Негадир, биз бирон меросимизни асрар, эъзозлаш учун кимнингдир бўйруғини кутиша, «давлат ташкилоти таъмирилаб беради», деган уйга боришига ўрганиб қолганимиз. Ваҳоланки, ҳар бир фуқаро ўтиши бойлигимизни, меросимизни асрар, авайлашда фаол катнашуви керак. Зоро, ёдгорликлар — буюк тарихидир.

Оҳангарон туманинда ажойиб бир худуд, тарихий жой бор. Имлоқ — Тункет шаҳар харобаси Оҳангароннинг чап қирғоғида. Саржоилик кишилоги якинда жойлашган. 1929 йилда Михаил Массон томонидан топилип, рўйхатга олинган. 1960 йилларда Чотқол-Курама археология отряди томонидан ўрганилган. Бу ёдгорликтин майдони 50 гектардан ортиқ. Бу ерда ҳаёт янги эранинг IX-V асрларида вужудга келган, биринчилк минг ийллик ўрталарида эса бу жойда катта шаҳар бунёд бўлган. Оҳангарон дарёси воийисида жойлашган ўрта асрлардаги Илак давлати пойтахти Тункет шу ер хисобланган.

Бир неча йилдан бери бу ёдгорлик хаф остида. У давлат муҳофазасига олинган бўлса-да, маҳаллий аҳоли томонидан бир қанча кисми ўзлаштирилган. Ўзбошимчалик билан ёдгорлик худудидан томорка қилиб олган кишиларни туман ҳокимлигининг вакиллари бир неча бор огоҳлантиришди. Ҳатто бу иш судорқали ҳал килинини мумкинлигни билдиришиб ҳам. Лекин, ўша одамлар учун ҳокимлик ҳам, кишилек фуқаролар кенгашни ҳам, төленинне ҳам — ҳеч нарса эмасдек,

хамон беларволовар.

Энди эса бу нусконни бартараф этишининг бир йўли бор. У ҳам бўлса — ёдгорликин ўз ҳимоясига олиб, атрофини ўраб, доимо назорат қилиб туриш. Ҳалқаро «Олтин мерос» хайрия жамгармаси Тошкент вилояти бўлими Тункет ёдгорлигини ўз ихтиёрига ва хисобига олиш ниятида. Зора, шундан кейин, ёдгорликинг эгаси аниқ бўлиб, бу тартибизлика чек қўйилса.

Ниятимиз — ноёб ёдгорликларни саклаб қолиш. Чунки улар ўта ночор ахволга тушиб қолган. Бундай тарихий жойлар вилоятимизда жуда кўп. Айримларини келтириш мумкин: Шоҳруҳия — Оққўрон туманида, Шоҳжувар, Обираҳмат ва тош битиклари — Бўстонлик туманида, Кўлбулоқ, Кавардан — Паркентда ва Кориҳона — Ангрен, Олмаликда. Қирғизобод, Оқсокта, Ийкота, Шомилкорибува, Парниота ва яна ўнлаб тарихий жойлар ҳам муҳофазага муҳтож.

Ҳар бир мамлакатнинг, миллатнинг кучи, бойлиги — ҳалқ маданиятида даражаси билан ўтчаниди. Ҳаётнинг ўзи шуни тасдиқлаб турибди. Шукрли, ўтишишимиз буюк ва улкан — асрлар мобайнида шаклланиб ривож топган меросимиз биз учун катта куч ва қудратга эга бўлиши маънавий бойлиқдир. Биз шу маънавий ҳазинага, буюк ўтишига таянган ҳолда эзгуликларга интиляверамиз.

**Зарифа ЭЛМИРЗАЕВА,
«Олтин мерос» вилоят
жамгармаси раиси.**



КОМИЛ ИНСОН УСТОЗДАН БОШЛАНАДИ

Комил инсон устоздан бошланади, деган нақл бор. Ҳозир ҳам болалар қалбидан бундай туйғуларни шакллантираётганлар, ана шундай Фидойи мураббийлар кўп.

Чиноз туманинда 27-ўрта мактабда ҳам шундай ўқитувчilar ишлашади. Бу даргоҳ раҳбари Усмонжон Мираҳмедов билан сухбатлашиб, дилимиз баҳра олди. Бердиёр Эргашев, Ортиқали Қодиров каби ўқитувчilar ўз шоги-

рдларида физика фанига катта кизишиш ўйтотадилар.

Ўкув масканининг «Нилуфар» кизлар клуби фаолиятидан отоналар мамнун. Клуб ўқувчиларга ўй-рўзгор юмушлари, оила одоби ҳакида бой маълумот бериладан ташкири, уларни театрлаштирилган кўрсатувлар, концептлар тайёрлашга жалб этиб, маънавий бойитиб бормоқда.

Абдужалол РАҲИМОВ.

ЯНГИЙУЛ туманинда X. Ниёзий номли 44-ўрта мактабда маънавият ва маърифат дарслари хамиша кизиклар ўтади. Бу ўкув даргоҳининг барча синопларида Президентимизинг «Узбекистон XXI аср бўсағасида-хавфисизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккӣт қафолатлари» китоби изнич ўрганиб борилмоқда.

СУРАТДА: илмий бўлим мудири X. Соатова (ўнда) ҳамда тарих ўқитувчisi M. Турсунбое ва (ўндан учинчилар бир груп ўқувчilar билан.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ИРМОКЛАР

бир замин бўлади, қабилидаги бир ҳикмат уни ифода этади. Агар бу шеър моҳиятига шу кунлар нуқтаи назаридан ёндошила, бизнинг истиқлолимиз ҳам халқимизнинг асрлар давомиди орзу қилиб келган, буюк сиймоларимиз ҳаёт-ю фаолиятида жўшиб акс этиб келган ўзига хос бир тарихнинг самараси бўлиб майдонга чиқди деб изоҳланса, хатто бўлмаса керак. Зеро, катта воқеа-ҳодисалар ҳамиша катта меҳнатлар, интилишлар, ҳаракатлар ва уларни-

хазалар теварагида баҳслар, мулоҳазалар билан яшардик. Усмон Носир адабиётнинг турли жанрларида ижод қилди, аммо кам ёзди, асрлари кўп эмас, чунки ёзига кўймай қамоқча олиб кўйдилар, сурғун килдилар, ниҳоят адо килдилар. Шу кам ёзгани билан айrim ўнлаб китобларни қаторлаштириб ташлаб, оқибатда қофоз заводига юборилган китоблар қаторидан эмас, инсонлар юрагидан жой олди...

Шоирнинг «1870», «Наҳшон», «Норбута», «Тожиҳон» сингари достонларига этибор берсангиз, унинг ўз даври, ўз замонидаги энг долзарб мавзуларга нақдар қизиқиб қарагани гувоҳи бўласиз... «1870» йилидан пайкаган бўлсангиз керак — Россия тупроғида харобаликка бош бўлган «доҳий»нинг туғилган куни — унга садоқат кўрсатган ва унинг қурук ваъдаларига умид боғлаган Усмон Носир худди ўшанинг йўл-йўриклиари-ю, кўрсатмалари, амалий фаолияти натижасида қатл этилишини ўйлаганими? Э, воҳ! Бутун бир фожиа, бутун бир ҳалқ ва мамлакат фожиаси эди бу! Усмон Носир барча ҳамфир устозлари-ю, сафдошлари билан бир нафас ҳам «душман» ва «миллатчи» бўлган эмас. У Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани», Лермонтовнинг «Демон»и, Генрих Гейне шеърларини таржима килгандা — шу қадар илҳом ва шавк билан ишлаганки, мазкур асрларни ўқиганингизда уни таржима эканига ишонмайсиз; айни ўзи шундай ёзилган деб қоласиз...

Усмон Носир турли миллат

